

Суннатлардаги ўнта илмий ҳақиқат (саккизинчи мақола)



14:55 / 22 март 1461

Кундан кунга Қуръони Карим ва Суннати мутоҳҳарадаги илмий мўъжизалар, ҳақиқатлар илмий томондан ҳам аниқланмоқда. Ушбу мақолада Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларида баён қилинган ва яқин йиллар ичида аниқланган илмий ҳақиқатлар зикр этилади.

Ваболарни даволаш

Олимларнинг таъкидлашича, юқумли эпидемик касалликни йўқ қилишнинг идеал усули - инфекцияга чалинганликда шубҳа қилинган, касалланган ёки ҳатто соғлом одамларни ушлаб туриш (карантинга олиш) ва касаллик даволанмагунча уларни изоляция қилишдир. Бу тиббий ҳақиқат ўн тўрт аср олдин маълум эмас эди, лекин Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу ҳақиқатга ишора қилиб, эпидемия ҳақида марҳамат қилганлар.

مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلُ لَيْلٍ لِّلْأُولَى رَلَقَ : لَقِ امه نَع هَلَلِ يَضِرُّ دِي زَنْبَ مَسُ نَع
إِذْ إِف ، مَكَلَبَقَ نَكَ نَمَ لَعِ وَأَلِيَّ أَرْسِلَ يَنْبَ لَعِ لَسْرُأَبِ أَدَعِ وَأُزْجَرُ نُوْعِ اَطْلَا)
أَرَارِفِ أَوْجُرْحَتِ أَلَفِ هَبْ مُتْنِ أَوْضْرَابِ عَقِ وَأِدْإِو ، هَيْ لَعِ أَوْمَدَقَتِ أَلَفِ ضْرَابِ هَبْ مُتْعَمَسِ
مَلَسَ مَو وِي رَاخَبِ لَ هَاوِرُ (هُنَمَ

Усома ибн Зайд розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Вабо бало ёки азобдир. Уни Бани Исроилга ёки сиздан олдин ўтган кимсаларга юборилган эди. Қачон унинг бирор ерда пайдо бўлганини эшитсангиз, у ерга бормангиз. Агар у сиз турган ерда воқеъ бўлса, ундан қочиб у ердан чиқмангиз»**, дедилар».

Икки шайх ва Термизий ривоят қилишган.

Бу ҳадис Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳнинг элчиси эканликларига гувоҳлик бермайдими?!

(Давоми бор)

**Абдуддоим Каҳел мақоласи ва бошқа манбалар асосида
Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади**

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 21 февраль 03-07/921-сонли хулосаси асосида тайёрланди.